

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.72.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

АБДУРАХИМОВ УМОРБЕК КУРБАНБАЕВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА РАСТОРОПША (*SILYBUM
MARIANUM L.*) НАВЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УРУҒЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ
ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

03.00.07 - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахимов Уморбек Курбанбаевич

Хоразм вилояти шароитида расторопша (*Silybum marianum* L). навларининг физиологик – биокимёвий хусусиятлари ва уруғларининг кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш 3

Абдурахимов Уморбек Курбанбаевич

Физиолого-биохимические особенности и сравнительное изучение химического состава семян сортов расторопши (*Silybum marianum* L.) культивируемой в условиях Хорезмской области 21

Abdurakhimov Umorbek Kurbanbayevich

Comparative study of physiological and chemical composition of seeds of the varieties of Saint-Mary Thistle (*Silybum marianum* L.) in condition of Khorezm region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.72.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

АБДУРАХИМОВ УМОРБЕК КУРБАНБАЕВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА РАСТОРОПША (*SILYBUM
MARIANUM L.*) НАВЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК-БИОКИМЁВИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УРУҒЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ
ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ**

03.00.07 - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/B367 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Усманов Рустам Махмудович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўроқов Сирожиддин Худайбердиевич биология фанлари доктори, доцент Ходжаева Насиба Жўрақулловна биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019.В.72.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865) 221-29-41, факс (+99865) 221-26-12, E-mail: bsu_info@edu.uz, Бухоро давлат университети биноси, Блок №1, 2 қават, конференция зали)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865) 221-29-41, факс (+99865) 221-26-12, E-mail: bsu_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Э.Холлиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Н.Э.Рашидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

Ҳ.Т.Ортиқова
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда доривор ўсимликлардан фойдаланиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Замонавий қишлоқ хўжалигида фармацевтика саноати учун доривор ўсимлик турларидан олинадиган хомашё билан таъминлаш муҳим ҳисобланади. Истеъмол қилинадиган умумий дори воситаларида табиий ўсимликлардан тайёрланган дори воситалари 50-60% ни ташкил қилади. Шу жиҳатдан, фармацевтика саноатини хомашё билан таъминлаш учун истиқболли доривор турларни физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва уруғларнинг кимёвий таркибини аниқлаш ва етиштириш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда кенг қўлланилаётган дориворлар ўсимликларни ўзига хос экологик, физиологик, биокимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича жумладан, ювенил даврда уруғларнинг унувчанлиги ва ўсиш энергиясини, онтогенез давомида мавсумий ўсиш ва ривожланиши бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада доривор ўсимликларни етиштиришнинг хусусиятлари ва тупроқ-иқлим шароити бўйича *Silybum marianum* L. физиологик-биокимёвий хусусиятлар ва уруғларининг кимёвий таркиби қиёсий таҳлили, интродукция шароитида навларнинг ўсиши, ривожланиши ва навдорлик хусусиятлари, сифатли хомашё тайёрлаш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда турли стресс минтақаларда етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда доривор аҳамиятга эга ўсимликларнинг ресурсларини баҳолаш, маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида табиий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳамда истиқболли турларнинг янги навлар яратишга катта эътибор қаратилиб, жумладан, экологик шароитларидан келиб чиққан ҳолда доривор ўсимликларнинг хомашёбоп турларини минтақамизнинг турли ҳудудларига қўллаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, истиқболли *Silybum marianum* L. турига мансуб навларнинг физиологик-биокимёвий хусусиятлари, сув алмашинув хусусиятларини ҳамда уруғларининг кимёвий таркибининг қиёсий таҳлили, интродуцент навларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик белгисининг навдорлик хусусиятларини асослаб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 апрелдаги ПК-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

фойдаланиш тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *S. marianum* L. нинг кимёвий таркиби, экиш муддатлари ва меъёрлари ҳамда ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотларни V.Kren, D.Walterova (2005), S.J.Polyak, C.Morishima, C.C.Wang, Y.Liu (2007), M.Shibano (2007), B.Babu (2010) каби хорижлик олимлар тадқиқотларида кўриш мумкин. МДХ мамлакатларида ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ва кимёвий таркибини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар А.В.Самородин (2007), С.А.Тарасенко, С.В.Брилева, О.А.Белоус (2008), В.А.Куркин (2010), Н.В.Николайченко (2013), З.Е.Цветкова (2014), Г.С.Ананикян (2016), А.С.Чубаровлар (2017), Д.В.Росихин (2018), А.Ш.Рамазанов, Ш.А.Балаева, К.Ш.Шахбановлар (2019) томонидан олиб борилган. Республикамиз микёсида *S. marianum* L. нинг уруғ ва биомасса ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсирини Ш.А.Ҳазратқулов, М.Т.Мамиров (2014), айрим биоэкологик хусусиятларини Л.А.Ботирова, З.Ф.Назарматова (2015), қурғокчилик шароитларида унувчанлиги ва ўсиш энергиясини А.Алимова, Б.А.Адилов (2016), рудерал ўсимликлар қопламида тутган ўрни ва табиий заҳираларини ҳамда анатомик тузилишини Б.А.Нигматуллаев (2019), курук экстракт ишлаб чиқиш технологиясини Б.А.Абдурахмановлар (2020) тадқиқ қилганлар.

Аммо адабиётлардаги бу маълумотлар республикамиз шароитида ушбу истиқболли доривор ва интродуцент ўсимлик – *S. marianum* L. ни кенг микёсда етиштиришга тавсия бериш имконини бермайди. Шу боисдан, республикада, хусусан Хоразм вилояти шароитида расторопша навларининг ўзига хос биологик хусусиятлари ўртасидаги фарқларни инобатга олган ҳолда унинг экологик, физиологик, биокимёвий хусусиятларини ўрганиш, жумладан, ювенил даврда уруғларнинг унувчанлиги ва ўсиш энергиясини, онтогенез давомида мавсумий ўсиш ва ривожланишини, сув алмашинув хусусиятларини ҳамда уруғларнинг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф5-ФА-0-32013 “Хоразм тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни ўстириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2012-2016), №ПЗ-

2017092435 “Хоразм вилояти шароитида доривор ўсимликларни ўстириш ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм вилояти шароитида доривор расторопша (*Silybum marianum* L.) навларининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва уруғларининг кимёвий таркибини қиёсий аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Расторопша навларини уруғ сифатини лаборатория шароитида (унувчанлиги, ўсиш энергияси, ўсиш кучи, ювенил даврда ёш ниҳол ва илдизларнинг узунлиги, униб чиқиш тезлиги) аниқлаш;

навларнинг биометрик кўрсаткичларини дала тажрибаларида (ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги) қиёсий ўрганиш;

навларнинг сув алмашинув хусусиятларини (сув сақлаш қобилияти, сув танқислиги ва транспирация жадаллиги) тадқиқ қилиш;

навларда барг юзаси, фотосинтетик салмоғи ҳамда яшил ва қуруқ биомассасининг ўзгариш динамикасини аниқлаш;

уруғларнинг кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш;

расторопша навлари уруғлари таркибидаги оксил, аминокислоталар ва айрим флавоноидлар миқдорини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Россия Федерацияси Бутунроссия доривор ва хушбўй ўсимликлар илмий тадқиқот институти (ВИЛАР) селекциясига мансуб бўлган расторопшанинг Дебют, Самарянка ва Панацея навлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм вилояти шароитида расторопша - *Silybum marianum* L. навларининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда уруғларнинг кимёвий таркиби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ўсимликлар физиологияси ва биокимёси, доривор ўсимликшунослик, фенологик кузатув услублари ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор расторопшанинг Дебют, Самарянка ва Панацея навлари Хоразм вилояти шароитига интродукция қилинган;

навларнинг уруғ сифати (унувчанлиги, ўсиш энергияси, ўсиш кучи, ювенил даврда ёш ниҳолларнинг узунлиги) ва сув алмашилиш хусусиятлари (сув сақлаш қобилияти, сув танқислиги, транспирация жадаллиги) бўйича Дебют нави бошқа навларга қараганда юқори эканлиги аниқланган;

навларда ривожланишнинг бошларида яшил массанинг аста-секинлик билан кўпайиб бориши ва кейинчалик гуллаш фазасида кескин ошиши ҳамда вегетациянинг охириги фазаларига келиб бу кўрсаткичлар аста-секинлик билан камайиб борганлиги Сакс эгри чизиғи бўйича исботланган;

мой миқдори, мой чикими ва кислота сони бўйича ўртача энг яхши кўрсаткич Дебют навида (25,2%, 313 кг/га ва 0,27 мг КОН), энг кам миқдори Самарянка навида (19%, 266 кг/га ва 0,32 мг КОН) аниқланган;

гиполаетин ва изоскулареин флавоноидларининг энг юқори миқдори Дебют навида, рутин флавоноиди эса Самарянка навида энг кўп миқдорда бўлиши исботланган;

уруғлар таркибида оксил миқдори бўйича Дебют нави Самарянка навидан - 3,5% га ва Панацея навидан - 1,8% га юқори эканлиги аниқланган;

аминокислоталарнинг миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич Дебют навида кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич Самарянка навида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

расторопшанинг Хоразм вилояти шароитига мос келувчи навлари интродукция қилинган ва танлаб олинган;

расторопша ўсимлиги навларининг биометрик кўрсаткичлари (ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги) ўзаро қиёсий аниқланган;

расторопша навлари уруғлари таркибида оксил, аминокислоталар ва айрим флавоноидлар миқдори, ҳамда кимёвий таркиби қиёсий асосланган;

навларнинг айрим сув алмашинув хусусиятлари (сув сақлаш қобиляти, сув танқислиги ва транспирация жадаллиги) қиёсий аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларининг методик жиҳатдан тўғри бажарилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили, илмий тадқиқот натижаларининг республика, халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, Хоразм вилояти шароитларига мос расторопша навларининг танланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти шароитида расторопшанинг Самарянка, Дебют ва Панацея навларида физиологик-биокимёвий хусусиятлар ва уруғларининг кимёвий таркиби қиёсий таҳлил қилинганлиги, интродукция шароитида навларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва наводорлик хусусиятларидан келиб чиқиб биологик жиҳатлари асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни Хоразм вилоятидаги фармацевтика саноати корхоналари ва доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилган ҳудудий кластерларни доривор ўсимликлар хом ашёсига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида расторопша – *Silybum marianum* L. навларининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва уруғларининг кимёвий таркибини қиёсий аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

расторопшанинг Дебют, Панацея, Самарянка навлари Хоразм вилояти Хива тумани ҳудудида жойлашган “Яхшимурод-Назарбек” фермер хўжалигига жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил 15 декабрдаги 01/03-2673-сон

маълумотномаси). Натижада, “Дебют” навидан 10,5 ц/га, “Панацея” навидан 8,2 ц/га, “Самарянка” навидан 7,3 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган;

расторопша ўсимлиги навларининг намунаси №Ф5-ФА-0-32013 “Хоразм тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларни ўстириш технологиясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида бошланғич манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 17 ноябрдаги 4/1255-2549-сон маълумотномаси). Натижада, доривор ўсимликларни етиштиришнинг назарий муаммоларини ечими сифатида ҳамда воҳа доривор ўсимликларининг тарқалиш ареали ва ахборот банкни яратиш имконини берган;

расторопшанинг Дебют, Панацея, Самарянка навлари Хоразм вилояти Хива туманига қарашли “Валико плюс” фермер хўжалигига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2020 йил 17 октябрдаги №02/026-3342-сон маълумотномаси). Натижада, “Дебют” нави “Панацея”, “Самарянка” навларига нисбатан 1,2-2,5 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Расторопша – *Silybum marianum* L. навларининг биологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, дориворлик хоссалари ва етиштириш агротехнологияси**» деб номланган биринчи бобида хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Расторопша – *Silybum marianum* L. нинг ботаник таснифи, фармакологик хусусиятлари ва кимёвий таркиби, етиштириш технологияси бўйича ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, расторопша – *Silybum marianum* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, морфологик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, уларнинг интродукция шароитига тўлиқ мослаша олиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажриба олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот объектлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятининг иқлим шароити ва тупроқларининг умумий тавсифи тадқиқот ўтказишнинг услублари ва объектлари батафсил ёритилган. Бу ерда расторопша – *Silybum marianum* L. навларининг батафсил тавсифи, тажриба ўтказилган ҳудуднинг иқлим шароити ва тупроқнинг агрокимёвий таркиби, ишлатилган реагентлар, тадқиқот усуллари, шу жумладан, онтогенез даврида расторопша навларининг биоэкологик хусусиятлари, уруғларнинг унувчанлиги ва ўсиш энергияси, сув сақлаш қобилияти, сув танқислиги ва транспирация жадаллиги, барг юзаси сатҳи ва фотосинтетик салмоғи, яшил ва куруқ биомассаси, уруғларининг кимёвий таркиби, мой миқдори ва мой чиқими, умумий оқсил миқдори, уруғлар таркибида аминокислоталар миқдорларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Тажрибалар 2017-2019 йилларда Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган “Яхшимурод Назарбек” фермер хўжалиги далаларида бир хил агротехник тадбирларни қўллаган ҳолда етиштирилиб, улар устида тадқиқотлар олиб борилди.


Тажрибалар Хоразм Маъмун академиясининг “Дон экинлари ва маҳсулотларини таҳлил қилиш” лабораториясида (унувчанлиги ва ўсиш энергияси, сув алмашинув хусусиятлари) ҳамда ЎзР ФА Биоорганика ИТИ “Амалий тадқиқотлар лабораторияси”да (уруғларнинг кимёвий таркиби, айрим флавоноидлар миқдори) ва “Оқсиллар ва пептидлар кимёси лабораторияси”да (оқсил миқдори, аминокислоталар таркиби) бажарилди.

Диссертациянинг «**Хоразм вилояти шароитида расторопшанинг - *Silybum marianum* L. фенологик, физиологик ва биологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи бўлимида расторопша - *Silybum marianum* L. навларининг уруғ сифати (унувчанлиги ва ўсиш энергияси, уруғларнинг ўсиш кучи, ювенил даврида ёш ниҳол ва илдизларнинг узунлиги, уруғларнинг униб чиқиш тезлиги) таҳлил қилинган. Бунга кўра, расторопша навларининг унувчанлиги, ўсиш энергияси, ўсиш кучи, ювенил даврда ёш ниҳолларнинг узунлиги Дебют навида энг юқори эканлиги аниқланган (94,%, 93,8%, 91,2%, 88,1 мм).

Нисбатан паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилган ва мос равишда 85,5%, 82,3%, 74,5 % ва 64,1 мм ни ташкил қилган. Ўтказилган тадқиқотларда расторопша ўсимлигининг навдорлик фарқлари физиологик ва биологик хусусиятларига ҳам таъсир қилиши кузатилган. Жумладан Самарянка навининг унувчанлиги, ўсиш энергияси, ўсиш кучи ва ниҳоллар

узушлиги кўрсаткичлари бўйича паст натижаларни кўрсатган бўлса, илдиз узушлиги бўйича эса энг юқори кўрсаткичга эга бўлган (1-расм).



1-расм. Расторопша навларининг уруғ сифати

Шунингдек, Дебют навининг униб чиқиш тезлиги юқори бўлиб, ўртача 4,5 суткани ташкил қилган. Униб чиқиш тезлиги бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилиб, ўртача 4,9 сутка эканлиги аниқланган. Панацея навида эса уруғларнинг униб чиқиш тезлиги ўртача 4,7 суткага тенг бўлиб, оралиқ ўринни эгаллаган.

Бобнинг иккинчи бўлимида расторопша навларининг ўсиши ва ривожланиши ва биометрик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. Тажриба натижаларига кўра, биометрик кўрсаткичлар асосан навдорлик хусусиятларидан келиб чиқиб ўзаро нисбий фарқлар кузатилганлиги аниқланган.



2-расм. Расторопша навларининг биометрик кўрсаткичлари (2017-2019 йй.)

Жумладан, Дебют навининг ўсиши, ривожланиши бўйича биометрик кўрсаткичлари (саватчалар сони, саватчалар ва уруғ оғирлиги, 1000 дона уруғ вазни ва ҳосилдорлиги) энг юқори эканлиги аниқланган. Энг паст биометрик кўрсаткичи Самарянка навида кузатилган (2-расм). Бобнинг учинчи бўлими Хоразм вилояти шароитида расторопша навларининг сув сақлаш қобилияти ва сув танқислиги хусусиятларига бағишланган бўлиб, олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан расторопша навлари баргларида ривожланиш

фазалари давомида (ён новдалар ҳосил бўлиш, шоналаш, гуллаш ва пишиш фазаларида) сув сақлаш қобилияти бўйича Дебют нави устинлик қилган (53,2%, 50,4%, 51,0% ва 24,3%). Сув сақлаш қобилияти бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилган ва мос равишда 36,2%, 30,0%, 26,7% ва 21,7% эканлиги аниқланган (3-расм).




3-расм. Расторопша навлари баргларида сув сақлаш қобилияти

Тадқиқот натижаларига кўра Самарянка навининг сув танқислиги хусусияти 2-3 чинбарг чиқариш фазасида 21,4%; ён новдалар ҳосил бўлиш фазасида 30,1%; шоналаш фазасида 28,4% ва гуллаш фазасида 30,1% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич Дебют навида 2-3 чинбарг чиқариш фазасида 16,6%; ён новдалар ҳосил бўлиш фазасида 25,6%; шоналаш фазасида 24,7% ва гуллаш фазасида 23,9% эканлиги кузатилган. Панацея навида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 18,8%; 25,8%; 25,3% ва 27,1% га тенг эканлиги аниқланган. Расторопша навлари баргларида сув танқислиги бўйича энг яхши кўрсаткичлар Дебют навида кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич Самарянка навида аниқланган (4-расм).



4-расм. Расторопша навлари баргларида сув танқислиги хусусияти

Бобнинг тўртинчи бўлимида навларнинг вегетация фазалари бўйича ҳамда кунлик ўртача транспирация жадаллиги тўғрисида маълумотлар берилган. Таҷрибалардан олинган натижалар асосида навларнинг ён новдалар ҳосил бўлиш фазасида транспирация жадаллиги юқори бўлган ва ривожланиш фазасининг охирига келиб транспирация жадаллиги пасайиши кузатилган.



5-расм. Расторопша навлари баргларининг кунлик ўртача транспирация жадаллиги

Шунингдек, навларнинг транспирация жадаллиги кун давомида ўзгариб турган, жумладан эрталаб транспирация жадаллиги паст бўлган (8-10 лар атрофида), кун ўрталарида транспирация жадаллиги кескин кўтарилган (12-16 лар атрофида), айрим навларда эса пасайган. Кечки пайтга қараб (соат 18.00-20.00) транспирация жадаллиги анча камайган. Ўрганилган 3 та навда ҳам, яъни, Самарянка, Дебют ва Панацея навларида ривожланиш фазаларининг барча босқичларида транспирация жадаллиги кунига икки марта ошиб камайганлиги кузатилган (5-расм). Бобнинг бешинчи бўлими расторопша навларининг барг юзаси, фотосинтетик салмоғи ҳамда яшил ва


қуруқ биомассанинг ўзгариш динамикаси тўғрисида маълумотлар келтирилган (6-расм).



6-расм. Расторопша навларининг барг юзаси, минг м²/га

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, расторопша навларида барг юзасининг катталиги, ривожланишнинг биринчи босқичларида унчалик юқори бўлмай, 2-3 чинбарг чиқариш фазасида 0,9 дан 1,2 минг.м²/га гача, ён новдалар ҳосил бўлиш фазасида – 2,0 дан 2,6 минг.м²/га гача ўзгариб туриши кузатилган.

Навларнинг барг юзаси (Самарянка навида – 33,4 минг.м²/га, Дебют навида – 36,9 минг.м²/га, ва Панацея навида – 32,1 минг.м²/га) ва фотосинтетик салмоғининг кўрсаткичлари (Самарянка навида – 320,2 минг.м²/сутка/га, Дебют навида – 336,2 минг.м²/сутка/га ва Панацея навида – 312,4 минг.м²/сутка/га) максимал қийматлари тўлиқ гуллаш фазасида қайд этилган (7-расм).



7-расм. Расторопша навларининг фотосинтетик салмоғи, минг.м²/сутка/га

Тажрибаларда қуйидаги қонуният қайд этилган, яъни, барг юзасининг ўсиши билан унинг фаолияти ҳам давомий бўлиб борганлиги, ўртача кунлик ўсиш ҳам кўпайганлиги ва мос равишда, яшил ва қуруқ биомасса ҳам кўпроқ тўпланганлиги аниқланган. Шунингдек, катта ҳажмда биомассанинг тўпланиши барг юзасининг шаклланиш тезлигига боғлиқ эканлиги кузатилган. Жумладан, навларда ривожланишнинг бошларида яшил биомассанинг аста-секинлик билан кўпайиб бориши ва гуллаш фазасида кескин ошиши кузатилган. Шунингдек, вегетациянинг охириги фазаларига

келиб бу кўрсаткичлар аста-секинлик билан камайиб борганлиги қайд этилган. Ўсишнинг бундай ўзига хос жиҳати фанда Сакс эгри чизиги номини олган ва у график равишда бир чўққили парабола кўринишида ифодаланган.


Бу эса расторопша навлари барг юзасининг шаклланишидаги кўриб чиқилган қонуният яшил биомасса тўплашдаги мос принципларни яна бир бор исботлаган. Яшил биомасса тўпланиш динамикаси бўйича олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, унинг тўпланиши навлар ўртасидаги фарқлар ва вегетация фазалари билан боғлиқдир. Тадқиқотларда ҳам навларда яшил ва қуруқ биомасса бўйича энг юқори миқдори Дебют навида (46,2 т/га ва 5,76 т/га) тўпланган бўлса энг паст кўрсаткич Панацея навида кузатилган (41,0 т/га ва 4,26 т/га). Самарянка навида эса яшил ва қуруқ биомасса миқдори 42,9 т/га ва 4,83 т/га ни ташкил қилиб, оралик ўринни эгаллагани қайд этилган (8-расм).



8-расм. Навларда яшил ва қуруқ биомассанинг тўпланиш динамикаси

Диссертациянинг «Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида расторопша – *Silybum marianum* L. навларининг биокимёвий хусусиятлари ва уруғларининг кимёвий таркиби» деб номланган тўртинчи бобида Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида расторопша – *Silybum marianum* L. навлари уруғларининг кимёвий таркиби, макро ва микроэлементлар миқдори, мойдорлик даражаси, флавоноидлар таркиби, оқсиллар ва аминокислоталар миқдори бўйича кўрсаткичлар қиёсий тадқиқ қилинган.

Бобнинг биринчи бўлимида растаропша навлари уруғларининг қимёвий таркиби ҳамда макро ва микроэлементлар миқдори қиёсий таҳлил қилинган. Тажрибаларда растаропшанинг Дебют нави уруғлари хом ёғ (5,6%), хом клетчатка (33,6%), кул (22,6%) ва умумий азот (1,6%) миқдорлари бўйича яққол устунлик қилган. Хом ёғ, клетчатка, кул ва умумий азот миқдорлари бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилиб, мос равишда 5,1; 30,2; 20,4 ва 1,1% ни ташкил қилган. Лекин, уруғлар таркибида азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ), гигроскопик намлик ва хом протеин миқдорлари бўйича унчалик нисбий фарқлар кузатилмаган, яъни азотсиз экстрактив моддалар (АЭМ) миқдори – 29,5; 29,7 ва 30,1%, гигроскопик намлик миқдори – 13,6; 13,0 ва 13,4% ҳамда хом протеин миқдори – 9,1; 10,3 ва 9,4% эканлиги аниқланган (9-расм).



9-расм. Навлар уруғларининг қимёвий таркиби, абсолют қуруқ моддага нисбатан % ҳисобида

Растаропша навлари уруғлари таркибида макроэлементлар миқдори қиёсий таҳлил қилинганида, Дебют нави ўз таркибида макроэлементлар миқдорининг кўплиги бўйича яққол устунлик қилган. Нисбатан энг паст кўрсаткич Самарянка навида (фосфор ва олтингугурт элементларидан ташқари) кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Растаропша уруғлари таркибида макроэлементлар миқдори

Навлар	B, мг/кг	Na, г/кг	Mg, мг/кг	P, мг/кг	S, мг/кг	K, мг/кг	Ca, мг/кг
Самарянка	12,5	481,5	397,1	815,4	649,1	461,7	136,8
Дебют	22,4	660,2	426,2	817,1	709,6	528,7	167,6
Панацея	20,1	571,6	401,8	765,2	636,3	514,1	154,1

Микроэлементлар миқдори қиёсий таҳлил қилинганида эса, Дебют нави таркибида микроэлементлардан темир, хром, марганец ва рух миқдорлари бошқа навларга қараганда ўта юқори эканлиги қайд қилинган. Нисбатан паст кўрсаткич Панацея навида кузатилган, лекин ўз таркибида молибден миқдорининг юқорилиги билан Дебют ва Самарянка навларидан ажралиб турган. Уруғлар таркибидаги микроэлементлар миқдорлари бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида аниқланган (2-жадвал).

Растиропша уруғлари таркибида микроэлементлар миқдори

Навлар	Cr, мг/кг	Mn, мг/кг	Fe, мг/кг	Co, мг/кг	Cu, мг/кг	Zn, мг/кг	Se, мг/кг	Mo, мг/кг
Самарянка	24,4	9,3	95,7	0,138	11,2	32,4	0,27	0,43
Дебют	26,4	14,1	138,9	0,176	12,8	35,7	0,36	0,54
Панацея	25,5	12,3	122,6	0,159	12,4	35,3	0,30	0,58

Бобнинг иккинчи бўлимида расторопша навларида уруғларнинг мойдорлик хусусиятлари, жумладан мой миқдори, мой чиқими ва кислота сони қиёсий тадқиқ қилинган (10-расм).




10-расм. Навлар уруғлари таркибидаги мой миқдори, мой чиқими ва кислота сони

Ўтказилган тажриба натижаларига кўра, мой миқдори ва мой чиқими бўйича энг яхши кўрсаткич Дебют навида аниқланган (25,2%, 313 кг/га). Энг кам миқдор Самарянка навида кузатилган (19%, 266 кг/га).

Тиббиёт нуқтаи назардан ва озуқавий қиймати бўйича ёғ сифатининг кўрсаткичи – бу унинг кислота сони билан белгиланади. Тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, расторопша навлари уруғлари таркибидаги мойнинг кислота сони жуда кам бўлиб, 0,27 дан 0,32 мг КОН оралиғида

тебраниб турганлиги кузатилган. Бу эса расторопша мойи ёғ сифати бўйича юқори синфларга мансублигини билдиради.

Бобнинг учинчи бўлимида расторопша навлари уруғларида флавоноидлар таркиби ва миқдори бўйича маълумотлар таҳлил қилинган. Расторопша навлари уруғлари таркибидаги флавоноидларнинг сифат ва миқдорий аниқлаш ишлари ЮССХ (Agilent Technologies 1200, Германия). усули асосида амалга оширилган. Тажрибаларда расторопша навлари уруғларининг гексанли экстракти таҳлил қилинганда 3 та флавоноид бирикмалар идентификация қилинган. Таҳлил натижасида расторопша навлари уруғларида турли миқдорда гиполаетин (7-О-Р- D-глюкопиранозид), изоскутеллареин (7-О-Р-О-глюкопиранозид) ва рутин (кверцетин-3-О-рутинозид) каби флавоноидлар борлиги аниқланган (11-расм).



11-расм. Расторопша навлари уруғларида айрим флавоноидлар хроматограммаси

Олинган натижаларга кўра Самарянка навида гиполаетин миқдори – 0,7 г/100 г, изоскутеллареин миқдори – 0,41 г/100 г ва рутин миқдори – 0,87 г/100 г эканлиги аниқланган. Расторопшанинг Дебют нави уруғлари таркибида флавоноидлардан гиполаетин миқдори 2,7 г/100 г, изоскутеллареин миқдори 4,6 г/100 г ва рутин миқдори 0,78 г/100 г бўлганлиги қайд этилган. Панацея нави уруғларида эса гиполаетин флавоноиди миқдори 1,2 г/100 г, изоскутеллареин миқдори – 4,4 г/100 г, ва рутин флавоноиди миқдори 0,22 г/100 г ни ташкил қилган (3-жадвал).

Навлар таркибида айрим флавоноидлар миқдори, 100 г.

№	Расторопша навлари	Флавоноидлар миқдори, 100 г		
		Гиполаетин, г	Изоскуллареин, г	Рутин, г
1	Самарянка	0,7±0,01	0,41±0,12	0,87±0,25
2	Дебют	2,7±0,23	4,6±0,16	0,78±0,08
3	Панацея	1,2±0,06	4,4±0,03	0,22±0,25

Таҳлил натижаларига кўра гиполаетин, изоскуллареин ва рутин флавоноидлари расторопша уруғининг барча навларида қайд қилиниб, турлича миқдорда эканлиги кузатилган. Жумладан, гиполаетин ва изоскуллареин флавоноидларининг энг юқори миқдори Дебют навида аниқланган бўлса, рутин флавоноиди Самарянка навида энг кўп миқдорда бўлиши қайд қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, расторопша таркибидаги ушбу флавоноидларнинг миқдори унинг дориворлик қийматини аниқлаб беради.

Олиб борилган тажрибалар натижаларига асосан, расторопша навлари уруғлари таркибида оксил миқдори Дебют навида 15,6% ни ташкил қилиб, Самарянка навидан 3,5% ва Панацея навидан 1,8% га юқори эканлиги аниқланган.

Расторопша навлари уруғлари таркиби қиёсий ўрганилганда, алмашинмайдиган ва алмашинадиган аминокислоталарнинг кўпроқ миқдори Дебют навида аниқланиб, мос равишда 131,1% ва 126,4% ни ташкил қилди. Алмашинмайдиган ва алмашинадиган аминокислотар миқдори бўйича энг паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилиб, 79,2% ва 112,1% га эканлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

“Хоразм вилояти шароитида расторопша – *Silybum marianum* L. навларининг физиологик-биокимёвий хусусиятлари ва уруғларининг кимёвий таркибини қиёсий ўрганиш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Расторопша навларининг уруғ сифати (унувчанлиги, ўсиш энергияси, ўсиш кучи, ювенил даврда ёш ниҳолларнинг узунлиги ва униб чиқиш тезлиги) Дебют навида энг юқори эканлиги аниқланган (94,%, 93,8%, 91,2%, 88,1 мм ва 4,5 сутка). Нисбатан паст кўрсаткич Самарянка навида кузатилган ва мос равишда 85,5%, 82,3%, 74,5 % ва 64,1 мм ва 4,9 суткани ташкил қилган.

2. Расторопша навларида биометрик кўрсаткичлар асосан наводорлик хусусиятларидан келиб чиқиб ўзаро нисбий фарқлар кузатилган. Дебют навининг ўсиши, ривожланиши бўйича биометрик кўрсаткичлари (ўсимликнинг бўйи, қуруқ вазн ҳисобида 1 та ўсимлик ва барг оғирлиги, саватчалар сони, саватчалар ва уруғ оғирлиги, 1000 дона уруғ вазни ва ҳосилдорлиги) энг юқори эканлиги аниқланган (146,3 см; 387,9 г; 147,3 г; 6,3 дона; 11,2 г; 10,0 г; 22,1 г ва 10,5 ц/га). Энг паст биометрик кўрсаткич

Самарянка навида кузатилган (116 см; 294,8 г; 4,3 дона; 92,6 г; 7,9 г; 6,0 г; 13,9 г ва 7,3 ц/га).

3. Вегетация давомида расторопша навлари баргларида сув сақлаш қобилияти ва сув танқислиги бўйича (ён новдалар ҳосил бўлиш, шоналаш ва гуллаш фазаларида) Дебют нави (53,2%, 50,3% 51% ва 25,8%, 24,7%, 23,9%) устунлик қилган. Нисбатан энг паст натижа Самарянка навида (36,2%, 30,0%, 26,7% ва 30,1%, 28,4% 30,1%). Бундан ташқари, расторопшанинг 3 та навида ҳам ривожланиш фазаларининг барча босқичларида транспирация жадаллиги кунига икки марта ошиб камайганлиги кузатилган.

4. Навларнинг барг юзаси ва фотосинтетик салмоғининг кўрсаткичлари максимал қийматлари тўлиқ гуллаш фазасида қайд этилган. Яшил ва қурук биомасса бўйича энг юқори қиймат Дебют навида (46,19 т/га ва 5,76 т/га) аниқланган бўлса, энг паст кўрсаткич Панацея навида (40,94 т/га ва 4,26 т/га) кузатилган.

5. Дебют нави уруғларининг кимёвий таркиби бўйича (хом ёғ, хом клетчатка, кул ва умумий азот) яққол устунлик қилган. Дебют нави ўз таркибида макро ва микроэлементлар (темир, хром, марганец ва рух) миқдорининг кўплиги бўйича яққол устунлик қилган. Нисбатан энг паст кўрсаткич Самарянка навида (фосфор ва олтингугурт элементларидан ташқари) кузатилган. Шунингдек, ўрганилаётган навларнинг уруғларида оқсил ва аминокислоталарнинг таркиби бўйича фарқлар аниқланган.

6. Расторопша навлари уруғлари таркибида мой миқдори, мой чиқими ва кислота сони бўйича ўртача энг яхши кўрсаткич Дебют навида (25,2%, 313 кг/га ва 0,27 мг КОН) ва энг кам миқдори Самарянка навида (19%, 266 кг/га ва 0,32 мг КОН) аниқланган.

7. Расторопша навлари уруғларида гиполаетин ва изоскулареин флавоноидларининг энг юқори миқдори Дебют навида аниқланган бўлса, рутин флавоноиди Самарянка навида энг кўп миқдорда бўлиши қайд қилинган.

ТАВСИЯЛАР

Ўтказилган кўп йиллик тажрибалар натижаларига кўра, республикамиздаги доривор ўсимликларга ихтисослашган кластерларга фармацевтика саноати учун хом ашё тайёрлаш ва доривор ўсимликларни хорижга экспорт қилиш мақсадида Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқлари шароитидан келиб чиқиб, *S.marianum* L. – расторопшанинг сифатли технологик нав хусусиятларига эга, юқори ҳосилли Дебют ва Панацея навларини экиш ва кенг майдонларда етиштириш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.В.72.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЪМУНА**

АБДУРАХИМОВ УМОРБЕК КУРБАНБАЕВИЧ

**ФИЗИОЛОГО-БИОХИМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И
СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА СЕМЯН
СОРТОВ РАСТОРОПШИ (*SILYBUM MARIANUM* L.) В УСЛОВИЯХ
ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

03.00.07 – Физиология и биохимия растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/В367

Диссертационная работа выполнена в Хорезмской академии Маъмуна.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Усманов Рустам Махмудович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Уроков Сирожиддин Худайбердиевич
доктор биологических наук (DSc), доцент

Ходжаева Насиба Журакуловна
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.В.72.02 при Бухарском государственном университете (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Мухаммад Иқбол 11. Тел.: (+99865) 221-29-41, факс (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz, на здание Бухарского государственного университета, Блок№1, 2-этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарском государственном университете (Зарегистрированный номерам №___). Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Мухаммад Иқбол 11. Тел.: (+99865) 221-29-41, факс (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года.)

А.Э.Холлиев

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

Н.Э.Рашидов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных
степеней, к.б.н., доцент

Ҳ.Т.Ортикова

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование лекарственных растений в мире значительно увеличивается. В современном сельском хозяйстве важно, что для фармацевтической промышленности поставлять сырье, полученных из лекарственных растений. Из общего количества употребляемых лекарственных средств 50-60% составляют лекарства, изготовленные из природных растений. Исходя из этого для обеспечения фармацевтической отрасли сырьем большое научно-практическое значение имеет разработка способов возделывания, определения физиолого-биохимических свойств и химического состава семян перспективных лекарственных растений.

В мире проводятся научные исследования по изучению специфических экологических, физиологических, биохимических свойств широко используемых лекарственных растений, в том числе, всхожесть и энергия прорастания семян в ювенильном периоде, сезонный рост и развитие в онтогенезе. В связи с этим особое внимание уделяется по проведению сравнительного анализа физиолого-биохимических свойств, росту, развитию и сортовым характеристикам, химического состава семян *Silybum marianum* L. а также, по особенностям выращивания лекарственных растений и почвенно-климатическим условиям, для получения качественного сырья в различных стрессовых зонах.

В республике уделяется большое внимание по оценке ресурсов лекарственных растений, производству природных лекарственных средств на основе местного растительного сырья и созданию новых сортов перспективных видов, в том числе выращиванию сырья лекарственных растений в различные регионах страны. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «... дальнейшего развития фармацевтической отрасли, обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарствами»¹. Исходя из этих целей, важное значение имеет обоснование физиолого-биохимических свойств перспективных сортов *Silybum marianum* L., в том числе, изучение роста, развитие и сортовых особенностей интродуцируемых сортов, водообменные свойства и сравнительный анализ химического состава семян,

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Сведения по химическому составу, срокам сева и нормам высева и урожайности *S.marianum* L. приведены в работах зарубежных авторов Kren V, Walterova D (2005), Polyak S.J, Morishima C, Wang C.C, Liu Y. (2007), M.Shibano (2007), B.Babu (2010). В

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Газета «Народное слово», 8 февраля 2017 г., №28 (6723). – С. 1-2.

странах СНГ исследования направленные на изучение биоэкологических особенностей и химического состава *S. marianum* L. проводились учеными А.В.Самородин (2007), С.А.Тарасенко, С.В.Брилева, О.А.Белоус (2008), В.А.Куркин (2010), Н.В.Николайченко (2013), З.Е.Цветкова (2014), Г.С.Ананикян (2016), А.С.Чубарова (2017), Д.В.Росихин (2018), А.Ш.Рамазанов, Ш.А.Балаева, К.Ш.Шахбанов (2019). В республике проводились работы по изучению влияния минеральных удобрений на семенную урожайность и урожайность биомассы *S. marianum* L. (Gaertn.) Ш.А.Хазраткулова и М.Т.Мамирова (2014). Некоторые биоэкологические особенности *S. marianum* L. отражены в научных исследованиях Л.А.Ботинова, З.Ф.Назарматова (2015), всхожесть и энергия прорастания семян в условиях засухи изучены А.Алимовой, Б.А.Адилковым (2016), Определение природных запасов, изучение анатомического строение, роль рудеральной растительности *S. marianum* L. и разработка технологии сухого экстракта отражены в работах Б.А.Нигматуллаева (2019) и Б.А.Абдурахманова (2020).

